

Вилоят мудофаа ишлари бошқармасида виллоят хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати виллоят кенгаши ҳамкорлигида «Аскар оналарини шарафлаймиз», деб номланган учрашув ўтказилди.

АСКАР ОНАЛАРИ ШАРАФИГА

Тадбирда мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилаётган аскар йигитларнинг оналари, Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти виллоят кенгаши чақириқча ҳарбий хизматга тайёрлаш курсларида таълим олаётган булajak аскар йигитлар ва уларнинг оналари, faxрийлар, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Учрашувда ҳарбий қисмлар раҳбарияти номидан намунали хизмат қилаётган аскар ўғлонларнинг ота-оналарига келган ташаккурномалар ўқиб эшиттирилди.

Тадбир доирасида ҳарбийлар хайтидан ҳикоя қилувчи видеофилм ва концерт дастури намойиш этилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Қанлиқул туманидаги 19-болалар мусика ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

САНЪАТ МАКТАБИ

Бешта йўналиш — миллий мусика санъати, халқ чолғу асбоблари, рақс, эстрада ва каштачилик бўйича 150 нафар ўқувчи мусика ва санъат силрларини кўнгил билан ўрганмоқда. Замонавий мейморчилик андазалари асосида бунёд этилган янги бинода 210 ўринли концерт зали, ҳар бир йўналиш бўйича махсус жиҳозланган синфхоналар мавжуд.

СУРХОНДАРЁ

Сурхондарё виллоятининг Қумкўрғон туманидаги «Анвар-Элдорбек» кўп тармоқли хусусий фирмаси ўсимликлардан истеъмол ёғи ишлаб чиқарадиган янги корхонани ишга туширди.

«СУРХОН ГУЛИ»

Замонавий хориж ускуналари билан жиҳозланган мазкур корхона бир кунда турли ўсимликлардан 50 тонна сифатли ёғ ишлаб чиқариш қувватига эга.

Уттиз бир нафар фуқаронининг бандлиги таъминланган корхонада «Сурхон гули» тамғаси билан кунгабоқар, масхар ва зигир ёғи ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйди, — дейди «Анвар-Элдорбек» кўп тармоқли хусусий фирмаси раҳбари Гулчохра Умарқуллова. — 2014 йилда ишлаб чиқариш қувватини янада ошириб, қирққа яқин янги иш ўрни ташкил этишни мўлжалламоқдамиз.

САМАРҚАНД

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Самарқанд виллоят бўлимига мобил клиника, яъни автоамбуланс топширилди.

МОБИЛ КЛИНИКА

Тадбирда сўзга чиққанлар «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, болалар ва аёлларнинг саломатлигини мустахамлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан олиб борилган ишларга тўхтадилар, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида олиб бораётган ишлари эътироф этилди.

Яқунланган йилда «Соғлом авлод учун» жамғармаси виллоят бўлими томонидан 15 минг нафардан зиёд болалар ва аёллар тиббий қўриқдан ўтказилиб, аҳолига 345 мингдан ортиқ дори-дармон ҳамда санитария-гигиена воситалари тарқатилди.

«Туркистон-пресс»



Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

Ishonch

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федератсиясининг нашри • 2014-йил 4-январ, шанба № 2 (3351)

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ



Юртимизда Янги йил шуқуҳи кезиб юрибди. Катта-ю кичкиннинг қалбида байрамонга кўтаринкилик. Айниқса, болажонларнинг қувончи чексиз. — Президентимиз раҳнамоли-

гада мамлакатимизда фарзандларимиз келажига катта эътибор берилмоқда, — дейди пойтахтлик Дилором Маҳмадова. — Жорий йилнинг Соғлом бола йили деб эълон қилинганлиги барча юрт-

дошларимиз каби бизни ҳам хурсанд қилди. Бинобарин, фарзандларимиз жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб камолга этишига барчамиз бирдек масъулмиз. Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Озод юртнинг обод масканларида

Сурхондарё виллоятда 810 оила янги йилни намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган янги ўйларда қўтиб олди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, ўтган йилларда Сурхондарё виллоятда намунавий лойиҳалар асосида 2 минг 75 уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2013 йилда 23 массивда барпо этилган замонавий турар жойлар янги йил арафасида ўзгаларига топширилди.

Янги йил — янги ўйларда нишонланди

Замонавий ва миллий мейморчилик андазаларини ўзда мужасам этган янги массивларда ижтимоий инфратузилма объектлари, сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилиб, табиий газ, тоза ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминланаётгани қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Жумладан, ўтган йилда замонавий массивларда етмишга яқин ижтимоий бозор инфратузилмаси объекти, сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчаси фойдаланишга топширилгани ҳам қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Обод турмуш йилида Қумкўрғон туманидаги Пахтаобод массивида барча қўлайликларга эга маиший хизмат кўрсатиш уйи, Сариосиё туманидаги «Фозил кўчи» массивида савдо дўкони қурилиб, фойдаланишга топширилди. Денов туманидаги Катта Қарши массивида барпо этилаётган замонавий маиший хизмат кўрсатиш иншоотида қурилиш ишлари яқунланмоқда. Ўтган йили воҳанинг 23 массивида қад ростлаган 810 яқка тартибдаги уй-жойларни тоза ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш учун 24 километрга яқин ичимлик сув, 20 километрга яқин табиий газ қурувлари, қарийб 25 километр масофага электр тармоғи тортиди. Мамлакатимизнинг энг чекка, олиқ қишлоқларида ҳам изчил амалга оширилаётган бундай улкан бунёдкорлик ишлари аҳолининг барча қўлайликларга эга янги массивларда яшаш иштиёқини кучайтирмоқда.

— Бош режа асосида қурилаётган намунавий уй-жойларга қизиқиш йил сайин ортиб бораётди, — дейди «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси виллоят филиали директори Ғайрат Сафаров. — Олис ва чекка қишлоқларда бунёд этилаётган бундай ўйларга, айниқса, ёш оилалар ҳавас қилишмоқда. Намунавий лойиҳалар бўйича бунёд этилаётган массивларни барпо этиш учун энг тажрибали қурувчилар танлов орқали саралаб олинди. 2014 йилда Ангор туманидаги Наврўз, Денов туманидаги Пасткизижар, Олтинсой туманидаги Хидирўз, Сариосиё туманидаги Сарижўй, Қумкўрғон туманидаги Боймоқли каби ўндан ортиқ янги массивларда замонавий уй-жойлар қад ростлайди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
УзА мухбири

Ибрат

Яхши спектаклни севиб томоша қиламиз. Агар ундаги ролларни жамоадешингиз, ҳамкасбларингиз ўйнаган бўлса-чи? Унда томошага бўлган қизиқиш янада ортиши аниқ. Ҳар йили «Шўртангазим» мажмуаси унитар шўба корхонасида ишчилар иштирокида турли маданий тадбир ва томошалар уюштириш аънаанага айланган.

Ишчилар иштирокида қувноқ томоша

Бу гал ҳам шундай бўлди. Корхона қасаба уюшма қўмитаси ва хаваскор ижрочилар меҳнатқашларга ўларининг «Таътил баҳона» деб номланган навабдаги спектаклини тақдим этишди. Унда оқова сувларни тозалаш цехи устаси Хуршид Бердиев сценарийси асосида тайёрланган томошада таътилга чиққан ҳамкасб улфатларнинг «ўрдақ ови»дан кейинги саргузаштлари сахнага олиб чиқилган. Томоша аввалида баҳши ҳазилона ўлан айтиб, томошабинларга хушнудлик улашди. Ҳазил-мутойибага бой сахна кўриниши томошабинларга олам-олам завқ улашиши билан бирга, уларни ножиоз хатти-ҳаракатлардан огоҳликка ҳам чорлади.

Асосийси, оқова сувларни тозалаш цехи усталари Хуршид Бердиев ва Фарҳод Қўлтоев, лаборантлар Сиддик Сиддиқов, Нарғиза Худойназарова, этилган цехи қузатувчиси Улуғбек Муродов, чилангар Умиджон Эшматов, фаррош Камола Дилова, маъмур Нилуфар Шарипова ва қузатувчи Шерзод Худойбердиев ижро этган роллар барчада катта таассурот қолдирди.

«Шўртангазим» мажмуаси тасарруфидоги «Эркатой» мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари томонидан тайёрланган аjoyиб рақслар ҳам тадбирга фазиз бағишлади. Томоша сўнгида хаваскор ижрочилар ҳамда жажжи ўғил-қизлар қорхона қасаба уюшма қўмитаси томонидан эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Тадбир асоси «Қасаба уюшма лигаси» футбол баҳсларида биринчи ўринни эгаллаган «Шўртангазим» жамоаси олтин медал ва дипломлар билан тақдирланди.

— Футболчиларимизнинг мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишланган турнирда болиб чиққани қорхонада спортга бўлган қизиқишининг қучилигидан далолат, — деди «Шўртангазим» мажмуаси УШК қасаба уюшма қўмитаси раиси Наврўз Бердиев. — Мақсадишимиз — маданий ва спорт тадбирлари орқали ишчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва бу жараёнларда фаол қатнашганларни қўллаб-қувватлашдир.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Санъат

Хуш кайфият

Фарғона туманидаги 26-болалар мусика ва спорт мактабида янги йилга бағишланган тадбир ўтказилди.

Мактабнинг ёш макомчи ва аскиячиларининг қизиқлари санъат илоосмандларига хуш кайфият бағишлади. Бахтли болалик, дўстлик, она-Ватан, истиқлол, тинчлик ҳақида ўқувчилар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирга фазиз киритди.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ

Саховат

Янги йил байрамни жажжи болажонлар, айниқса, орзиқиб қўтишади. Турли кўнгличлар томошалар, Қорбо ва Қорқиз ташрифи, байрам совғалари улар хотирасида бир умрга мухрланиб қолади.

«Борлиғимсан, болажон»

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган «Борлиғимсан, болажон» номли хайрия тадбири ҳам таассуротларга бой бўлди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбек Миллий академик драма театри ҳамкорлигида ташкил этилган байрам томошасига пойтахтимиздаги кам таъмин-

ланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари тақлиф этилди. Тадбирда мамлакатимизда болалар ҳимояси, соғлом авлоднинг вояга етказиш бора-

сидаги ислохотларнинг амалии натижаси сифатида эҳтиёжманд оилаларнинг 400 нафарга яқин фарзандларига ҳамкорларнинг байрам совғалари топширилди. Шунингдек, «Тасанно» болалар театр студияси томонидан «Олтин қалитча» спектакли намойиш этилди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири

дан «Олтин қалитча» спектакли намойиш этилди. — Бизга берилган эътибордан жуда қувондик, — дейди Сергели туманидаги

Эътироф ва эъзоз

Ҳар бир аёл оиласи офтобидир

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар кенгаши раиси Мавжуда ХАЛИЛОВА билан суҳбат

— 2014 йил Президентимиз тақдирли билан мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинди...

— Эзгулик нурулари порлаб турган Ўзбекистонимиз учун Обод турмуш йилидан кейин Соғлом бола йилининг бошланаётгани тасодифий ҳол эмас. Қолаверса, янги йилнинг ушбу ном билан аталишида катта ҳикमत бор. Президентимиз ўз маърузасида соғлом бола, аввало, соғлом ва аҳил оилада камол топиши, унинг соғлом туғилиши, биринчи навбатда, онанинг соғлиғига боғлиқ эканлиғига яна бир бор жамоатчилик эътиборини қаратганлиги ҳам бежиз эмас: «Аёлни қадрлаш, оғир ишлардан халос этиш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш — эр кишининг, бутун жамятиянинг бурчидир. Бу ҳақиқат қуруқ гапга айланиб қолмаслиғи учун барча-

миз жавобгарликни сезишимиз, уни амалии ишимизда намойн қилишимиз даркор».

Бундай хайрли даъват ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юқлайди. Қолаверса, ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, соғлом бола тарбиялашда аёллар масъулиятини, аёлнинг жамяятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш кенгашимиз фаолиятида устуворлик касб этади. Негаки, ҳар томонлама етук фарзанд нафақат ота-онанинг, бутун жамятиянинг бойлиғидир.

— Дарҳақиқат, ҳаётнинг ўзи бугун аёл билан жамяят ўртасидоги узвийлик нақада муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатмоқда. Обод турмуш йилида амалга оширилган ишлар ҳам бунини тасдиқлаяпти...

— Аввало, шунини таъкидлаш жоизки, Хотин-қизлар кенгашимиз ҳамда унинг худудий комиссиялари 2013 йилда ўз фаолиятини Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарори билан тасдиқланган Низом асосида олиб борди. Жамоа шартномалари ва келишувларини экспертизадан ўтказиш бўйича комиссиялар таркибига Хотин-қизлар кенгаши ва комиссиялари аъзоларининг жалб этилиши натижасида мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қорхона, ташкилот, муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномаларига «Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазибаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бўлимининг киритилишига эришилди.

(Давоми 2-3 саҳифаларда).



Болалар саломатлигини тиклаш ва мустақамлаш йўлида самарали фаолият олиб бораётган Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида замонавий шарт-шароит ва ҳақон андазаларига мос тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга янги бино топширилди.

Йиғилиш

Қашқадарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг VII мажлиси бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қонунчилиги роя этилишини назорат қилиш бўйича амалга ошириладиган ишларга қаратилди. Мажлисида бирлашма кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолари, тармоқ касба уюшмаси Марказий кенгашиларининг вилоятдаги масъул ташкилотчилари, туман кенгашилари раислари ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Таҳлил

Кун тартибидagi масала юзасидан бирлашма кенгаши раиси Эсон Ражабов маъруза қилиб, жумладан, шундай деди:

— Ҳозирда вилоят ҳокимлиги, касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ўртасида минтақавий келишув, тармоқ касба уюшмалари шаҳар, туман кенгашиларида 41 та ҳудудий тармоқ келишув, шунингдек, бевоқиф корхона, ташкилот ва муассасаларда 10252 та жамоа шартномаси ҳодимлар манфаати ҳимоясига хизмат қилмоқда. Касба уюшма аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 99,8 фоизи жамоа шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган.

Аҳolini иш билан таъминлаш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурларига биноан янги иш ўринлари яратилиши устидан жамоатчилик мониторингини ўтказиш, касб-хўнакор коллежалари битирувчиларининг ишга жойлаштирилишига қўмаклаштириш борасида ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2013 йилнинг 11 ойи давомида касба уюшмалари томонидан 465 та корхона ва ташкилотда 4 миң 140 та янги иш ўрни ҳақиқатан яратилганлиги мониторинг қилинди.

684 та корхона ва ташкилотда бошлангич касба уюшма ташкилотлари тузилиб, уларда меҳнат қилаётган 6 миң нафардан ортиқ ҳодимнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди. Бирлашма кенгаши ҳуқуқшунослари томонидан 230 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қонунчилигини бажарилишига роя қилишининг аҳолини ўрганилиб, қайд этилган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилган. Жумладан, бирлашманинг юридик бўлимига 2012 йилдан то 2013 йилнинг декабры ойига қадар 294 та ёзма ҳамда 758 та оғзаки, шунингдек, «Ишонч телефони»га 444 марта турли масалаларда муносабатлар қилинган. Юридик бўлим мутахассислари томонидан турли ташкилотларга 55 марта тақдимнома киритилиб, ноҳақ ишдан бўшатилган 61 киши ўз вазифаларига тикланди.

Нотиқ бошлангич ташкилотларнинг нуфузини янада ошириш ҳақида сўз юритиб, бу борада қилиниши керак бўлган вазифаларга тўхтади.

Музокарада Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Исमत Очилов, Таълим, фан ва маданият ҳодимлари касба уюшмаси Қамаш туман кенгаши раиси Феруза Абдураҳмонова, Агротехнология маркази ҳодимлари касба уюшмаси Чироқчи туман кенгаши раиси Мўмин Турдиев, «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўба корхонаси касба уюшма кўмитаси раиси Акрам Ҳамроев ва бошқалар сўзга чиқиб, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Билдирилган фикр ва таклифлар асосида қарор қабул қилинди.

А.АКМАЛОВ

Арзон нархларда

Навоий вилоятида ўтган йилнинг 25 декабридан 30 фоизга арзонлаштирилган нархларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркалари фаолият кўрсатяпти.

Томди туман марказий деҳқон бозори ва унинг жойлардаги шохобчаларида «Савдо инвест Томди» МЧЖ полиз маҳсулотлари, ширкат хўжаликлари гўшт, «Томди Сако» МЧЖ туман сотса, Учқудук туман марказий деҳқон бозорига «Учқудук савдо», «Учқудук савдо бозори» МЧЖлари ҳамда «Ишонч Феруз», «Учқудук тайёрлов» хусусий савдо корхоналари, қатор ширкат хўжаликлари ўз маҳсулотлари билан харидорларни хушнуд этаётир.

М.АЛОВУДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Намунали туман касба уюшма ташкилотларида

Туман, шаҳар бўғинларидаги касба уюшма органлари, бошлангич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатилишини кенгайтириш, касба уюшма ташкилотлари ўртасида ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш қанчалар муҳимлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Намунали саналган Зомин туманида бу борада ибратли ишлар амалга оширилади.

Юксалиш

— Бошлангич ташкилотларимиз ҳамда туман тармоқ кенгаши базасида вилоятимиздаги шаҳар ва туманлар бошлангич ташкилотлари етакчилари иштирокида икки марта ўқув-семинар ўтказилди, — дейди таълим, фан ва маданият ҳодимлари касба уюшмаси туман кенгаши раиси Эргаш Алламурадоев. — Мавжуд тажрибалар оммалаштирилди. Ўз ўрнида, биз ҳам жойлардаги ҳамкасбларимиздан ўргандик.

Тармоқда фаолият юритаётган 99 та юридик шахс мақомидаги муассасада меҳнат қилаётган 6 миң 80 нафар касба уюшма аъзосининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини мунтазам ҳимоялаб келаётган туман кенгаши «намунали» мақомини олган, ишни дастлаб шундан бошлади.

Зомин дунёга бўйлашмоқда

Зомин шаҳарчасининг қоқ марказида ногаҳон шундай кўрғазма-лахвага кўзимиз тушди. «Токио-6111 километр», «Деҳли-1461 километр», «Осло-4503 километр», «Берлин-4040 километр», «Тошкент-194 километр»...

Гар шундаки, жаннатноманд юртимизнинг бир бўлаги ҳисобланган ушбу гўшда янги туристик хизмат турлари очилиб, юзлаб доимий иш ўринлари яратилмоқда. Уларнинг барчаси касба уюшма хизмати-га олиниши тайин.

— Аъзолик афзаллигини асослаш орқали нодавлат нотиҳорат ташкилотларига касба уюшмасига жалб этиш ҳисобига са-

фимиз тобора кенгайиб бормоқда, — дея суҳбатни давом эттиради Э.Алламурадоев. — Утган қисқа муддатда ЎзАДП туман кенгаши, «Зафар» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмаси, «Косимов Дониёр» хусусий корхонаси сингари жамоалар сафимизга қўшилди. Шунингдек, бир қанча ташкилотларда касба уюшмаси тузиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Қарияларни қадрлаб

Абдунаби ота Ёриевнинг узоқ йиллик фаолияти таълимни ривожлантириш билан боглиқ кечди. Тақдир экан, кўзи хиралашиб, биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Лекин кекса муаллим қалбан ўзини ҳамкасблари сафида сазлади. Негаки, туман касба уюшмаси фаоллари унинг ҳолидан доимо хабардор.

— Халқаро ногиронлар кун муносабати билан 17 нафар ётиб қолган ва ногирон ҳамкасбларимиз ҳолидан хабар олди, — дейди Э.Алламурадоев. — Улар билан кизгин суҳбатлар қуриб, совға-саломлар улашилди. Ўйда таълим олаётган имконияти чекланган 22 нафар болажон ҳам эътибордан четда қолмади. Уларга касба уюшмаси ҳамда ҳомийларнинг совғалари топширилди.

Кўнгилдан

бошланган ободлик

Тармоқ касба уюшмаси амалга оширган ишларга назар солган эканмиз, ободлик кўнгилдан бошланганини қалбан ҳис этдик. Тизимда ишлаб пенсияга чиққан ўс-

нафар ёлғиз-кекса кишига санаторий йўлнамаси учун касба уюшма маблағидан 3452,5 миң сўм, меҳнат фахрийларига моддий ёрдам учун 770 миң сўм, 17 нафар ёлғиз-кексага озиқ-овқат маҳсулотлари олиб бериш учун 1509 миң сўм сарфланди. Қарияларнинг ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган маблағ 19391,8 миң сўмни ташкил этди.

Шунингдек, кам таъминланган оилалардан 226 кишига 16463,8 миң сўмлик, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 28 нафар ёш онага 1578,3 миң сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Бу борадаги тизимли ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Ижтимоий шериклик мевалари

Олис «Қангли» қишлоғида жойлашган 6-умумтаълим мактаби касба уюшма ташкилотига Зулайхо Ортиқова етакчилиги қилади. Маъмурият ва касба уюшма ҳамкорлиги ижтимоий шериклик асосига қурилган. 56 нафар ҳодимнинг ижтимоий ҳимояси тўла қамраб олинган. Жамоада 4 нафар кам таъминланган оилалар вакили, шунингдек, фарзандлари 12 ёшга тўлмаган 13 нафар аёл меҳнат қилади. Жамоа шартномаси орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси таъминланган. Алоҳида хонада стелд ва буклетлар касба уюшма фаолиятини тўлиғича акс эттирган.

Мактаб ҳовлисида 2250 туп мевали ва манзарали дарахт кўчати парваририлмоқда.

Ўқувчилар мактаб ёрдамчи хўжалиги ҳисобидан бепул туҳум ва пархез гўшт билан йил давомида таъминланаётгани ҳам эътиборга молик.

Таълим, фан ва маданият ҳодимлари касба уюшмаси Зомин тумани тизимида амалга оширилган кенг қамровли ва намунали ишларнинг айримлари тўхтадик, холос. Ушбу серқирра фаолият келгуси қишларимиз мавзусига айланишига шубҳа йўқ.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Эътибор

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сирдарё филиали касба уюшма кўмитаси ҳодимлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларга қўлай ва ишончли меҳнат шароити яратиш каби масалаларда ижобий натижаларга эришяпти.

Ижобий натижалар

Филиалда 353 нафар ҳодим меҳнат қилмоқда. Зарарли шароитда ишловчи 16 нафар ҳодимга сут маҳсу-

27 млн. сўм сарфланди.

Бундан ташқари, ҳодимларнинг Самарқанд шаҳрига саёҳатлари уюштирилди. Ёз мавсумида 50 нафар болажон Зомин туманида жойлашган «Истиклол» ҳамда Боёвут туманидаги «Турон» оромгоҳларида мазмунли дам олди.

Ҳодимлар ўртасида шахмат-шашка, стол тенниси бўйича спартакиадалар ўтказилмоқда.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Семинар

Меҳнат муҳофазасига бағишланди

Таълим, фан ва маданият ҳодимлари касба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши тизимидаги бошлангич ташкилотлар етакчилари иштирокида «Меҳнатни муҳофаз қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари ижросини таъминлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда меҳнатқашлар учун қўлай меҳнат шароити яратиш, ишлаб чиқаришда жараҳатланмиш, касб касалликларига чалинишининг олдини олиш бўйича жойларда жамоатчилик назоратини кучайтириш, бошлангич ташкилотларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш ва бошқа масалалар хусусида тушунча берилди.

Шунингдек, тизимда ҳар ойнинг охириги жумаси «Меҳнатни муҳофаз қилиш кун»и деб эълон қилинди.

Усмон КАРИМОВ,
Самарқанд вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнатни муҳофаз қилиш бўлими mudiri

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.)

Ҳудудий хотин-қизлар комиссиялари томонидан ишловчи аёлларга хавфсиз меҳнат, дам олиш шароити яратилиши, меҳнатига муносиб ҳақ тўлашиши, қўшимча имтиёзлар берилиши, ҳуқуқий маданиятларини ошириш, маданий-маърифий йўналишдаги тадбирларда фаол иштирок этиш масалалари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди.

— Аёл авваламбор она. Унинг тилаги фақат эзгулик. Ана шу эзгулик эллилари муаммоларини бартараф этишга Кенгашнинг ўрни ва иштироки қандай бўлаётир?

— Жамият ва аёлни тараққийнинг бир-бирини тўлдириб турган икки халқаси, десак янглишмаймиз. Жамият аёлнинг улғу хизматига эҳтиёж сезганидек, аёл ҳам жамиятдан саломатлиги, оиласи, фарзандлари камоли учун эътибор ва ғамхўрлик кутади. Шу ақидадан келиб чиқиб, Хотин-қизлар кенгашиимиз ҳам ишловчи аёлларнинг энг яқин ва ишончли кўмакчиси бўлишга интиляпти.

Бунга мисоллар кўп. Хўжайли туманидаги «ELITE STARS TEXTILE» кўшма корхонаси фаолияти кўздан кечирилди. Маълум бўлдики, 150 нафар хотин-қиз ишлайдиган корхонада гигиена хонаси мавжуд. Ишчиларнинг

овқатланиши ва ишга келиб-кетилиши иш берувчи томонидан бепул амалга оширилади. Жамоа шартномаларига аёллар учун қўшимча имтиёзлар бўлими киритилган. Бу яхши, албатта. Аммо Самарқанд вилоятидаги «Дака текс» кўшма корхонаси, Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек тумани «Ал-Дархон», «Арзем», «АСТЕЛ» МЧЖлари кўшма корхоналари, «Ипак йўли» АИТБ Согбон филиали, «Ипотека банк» АИТБ Сергели туман бўлими, Сергели кўп тармоқли поликлиникаси, «Истеъмолда бўлган транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлар Сергели бозори» МЧЖ, Олтиариқ туман ҳокимлиги бошлангич касба уюшма ташкилоти, Олтиариқ туман Повулдон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги фермерлар билан ҳудудий вакиллик ўртасида тузилган жамоа шартномаларига «Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар» бўлими киритилмаганлиги аниқланиб, керакли тавсиялар берилди.

— Худудий Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Худудий комиссиялар фаолияти ҳақида сўз кетганда, Хоразм вилоятида кенг ўқламли тадбирлар амалга оширилганлигини таъкид-

«Ishonch»га жавоб берадилар

«Ishonch» газетасининг 2013 йил 12 ноябр 137-сонида чоп этилган Дилдора Раҳмонованинг «Музей — маърифий маскан» номли танқидий мақолада келтирилган муаммолар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Наманган вилоят ҳокимияти томонидан атрофлига ўрганиб чиқилди.

Тегишли чоралар кўрилди

Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги 68-сонли қарори 1-илвоси 14-бандида маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудларида жойлашган музейларнинг бошқаруви, молиялаштирилиши, музей ашёлари ва музей коллекцияларининг бут сақла-нишини таъминлаши, аҳолига хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва уларнинг мунтазам фаолият кўрсатишини таъминлаши белгилаб қўйилган.

Наманган вилоят ҳокимияти 2013 йил 27 декабрдаги хатиде музей биносини капитал таъмирлаш, штат бирлиги ажратилган бора-сида чора-тадбирлар кўриладиганиги маълум қилинган. Шунингдек, музей экспонатларини рўйхатдан ўтказиш, қирим ва инвентар китобларини тузиш, музей экспозициясини вақтинчалик Наманган ўлкани ўрганиш музейида ташкил этиш юзасидан вазирлиқнинг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги газета таҳририятига кўрсатган амалий ёрдами учун ўз миннатдорчилигини билдиради.

Ф.ЖАЛОЛОВ,
Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан
маданият ишлари бўйича биринчи ўринбосари

лари ҳимоялаш ҳамда улар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш мақсадида назарда тутилиши шарт бўлган қонун нормалари ижросини таъминлаш масаласидан қўшимча имтиёз ва кафолатлар бажарилиши ўрганилди. Комиссия аъзоларининг ёрдами билан ноқонуний ишдан бўшатилган 6 нафар аёл ўз ишига қайта қилинди.

Навоий вилоятида корхона, ташкилот, муассасаларда иш берувчи билан касба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган 123 та жамоа шартномасига Меҳнат Кодексининг XIV бобида хотин-қизларнинг жамиятдаги фаолигини, ижтимоий-сиёсий жараён ва оиладаги ўринини ошириш, ҳуқуқ ва манфаат-

хотин-қизлар учун яратилган шароитлар, жамоа шартномаси орқали уларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар бажарилиши ўрганилди. Комиссия аъзоларининг ёрдами билан ноқонуний ишдан бўшатилган 6 нафар аёл ўз ишига қайта қилинди.

Навоий вилоятида корхона, ташкилот, муассасаларда иш берувчи билан касба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган 123 та жамоа шартномасига Меҳнат Кодексининг XIV бобида хотин-қизларнинг жамиятдаги фаолигини, ижтимоий-сиёсий жараён ва оиладаги ўринини ошириш, ҳуқуқ ва манфаат-

лари ҳимоялаш ҳамда улар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш мақсадида назарда тутилиши шарт бўлган қонун нормалари ижросини таъминлаш масаласидан қўшимча имтиёз ва кафолатлар бажарилиши ўрганилди. Комиссия аъзоларининг ёрдами билан ноқонуний ишдан бўшатилган 6 нафар аёл ўз ишига қайта қилинди.

Навоий вилоятида корхона, ташкилот, муассасаларда иш берувчи билан касба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган 123 та жамоа шартномасига Меҳнат Кодексининг XIV бобида хотин-қизларнинг жамиятдаги фаолигини, ижтимоий-сиёсий жараён ва оиладаги ўринини ошириш, ҳуқуқ ва манфаат-

лари ҳимоялаш ҳамда улар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш мақсадида назарда тутилиши шарт бўлган қонун нормалари ижросини таъминлаш масаласидан қўшимча имтиёз ва кафолатлар бажарилиши ўрганилди. Комиссия аъзоларининг ёрдами билан ноқонуний ишдан бўшатилган 6 нафар аёл ўз ишига қайта қилинди.

Реклама ва эълонлар

Хотини ноқобил эркак оиласини сақлаб қолишни итаса: кир ювиб, дазмол босиши, керак бўлса, тугма қадаб, тикиб-чатиши, ҳовлини супуриб-сидиришига ҳам тўғри келади.

Оқила аёл эри яхшиликка йўналтириб, оилавий можаролар олдини олиб, тинчлик, осойишталикни таъминлайди.

Рашик йўқ эркак, меҳри йўқ — кесақ! Рашик бор эркак доимо — сергак!

Ўз касбинг натижаларидан қониқмаслик маҳоратни оширишга ундовчи ижобий омилдир.

ҲАЁТДА БОР ГАПЛАР

Ўзини яхши кўрадиган, аммо эрини қадрламаган аёл ҳаётда кўп балоларга учрайди.

Ота гапига қирадиган фарзандлар ҳамда эр гапига «лаббай» деб жавоб қиладиган аёл яшайдиган хонадонда доимо тинчлик-тотувлик ҳукмрон бўлади.

Бировни алдаш ҳисоби-га кун кўраётган одамнинг касоси оқармайди, бири икки бўлмайди, бахт юзини кўрмайди.

Ота касбини ҳурматламаган фарзанд барака топмайди, омади чопмайди.

Одамнинг юриш-туриши кўп ҳолларда руҳиятга боғлиқ. Агар инсоннинг шашти паст бўлса, у текис ерда ҳам каловланиб, қоқилиб йиқилиши мумкин.

Ҳадеб камситилаверадиган одам бора-бора кўрқок бўлиб қолади.

Келажагига ишонмаган одам доимо тушкун кайфиятда юради. Ишонч порлоқ келажакка йўл очади.

Баҳром ТОЖИЕВ,
санъатшунос

Саломатлик сабоқлари

**Таниқли шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Анвар Сағиров билан суҳбатимиз юрак фаолиятига бағишланди. У ўз одати га кўра гапни чўзмай фикрни лўнда қилиб айтди-қўйди.
— Юракдан азиз яна нима бор?**

Соғлом юрак формуласи

Кўпчилигимиз юрак безовта бўлганда ёки оғригандагина у ҳақда ўйлай бошлаймиз. Шунда ҳам оғриқ ёки унинг асоратидан тезроқ ҳалос бўлишни кўлайимиз. Анвар Сағировнинг соғлом юрак формуласи битилган буклети бу борада бизга ёрдам беради.

Бу формула мураккаб эмас. Рамазий рақамлар ўзига хос маъно касб этади ҳолос.

Яъни, 0 3 5 140 5 3 0
0 - тамаки чекмаслик.
3 - бир кунда 3 километр пийёда юриш ёки 30 дақиқа жисмоний ҳаракат қилиш.
5 - суткалик овқат таркибидagi мева ва сабзавотлар хилма-хиллигига эътибор қаратиш.

140 - систолик артериал қон босимининг юқори чегараси.

Бу чегара ҳам, албатта, нисбий. Қимдадир у кўпроқ ё ороқ бўлиши табиий. Аммо юқоридаги кўрсаткичдан зиёдалик сизда соғлигингиз учун биров бўлса ҳам ташвиш тур-

диришга арзийди. Хар кимнинг ўз табиғати мунанд қон босими бор. Инсон уни билиши ва ҳис қилиб туриши лозим.

5 - умумий ҳолестериннинг юқори чегараси (ммол. литр). Ҳолестерин масаласида ҳамма озми-кўп билимга эга.

Маълумки, ҳолестерин ҳайвон ёғи, тухум, шунингдек, жигарда кўпроқ учрайди. Юқори зичликдаги ҳолестерин липопротеидлари юқори чегараси мавжуд. Яъни 1 литр қонда кўрсаткич 3 ммолдан зиёд бўлиши мақсадга мувофиқ эмас.

0 - бу рақам яна тақорланди. Яна бир ноҳуш ҳолатга йўқ дейиш лозим. У ҳам бўлса семизлик. Семизликдан қутулиш дарддан ҳалос бўлишнинг энг муҳим манбаларидан.

Соғлом юрак формуласини ҳудди математик формулани ёдлагандек ёдлаб олиш кифоя қилмайди. Уни яхшилаб ўзлаштириб, амал қилиш лозим.

Шундагина соғлигингизни баҳолай оласиз.
— Формулангиз тўғри, гап-ларингиз айна ҳақиқат, — дейман шифокорга. — Лекин

уларга амал қилиш осон эмас. Шифокор эса қулади.
— Ахир қайси астойдил қилинадиган иш осон бўлган? Илм олиш осонми? Қасб-хунар ўрганишнинг мушқулоти йўқми? Иродангиз кучи, зеҳнингиз қуввати, руҳий иқтидорингиз қийинчиликларни енгил билан намоян бўлади-ку.

Суҳбатимиз охирида ундан дори-дармондан бемор одам қачон ҳалос бўлиши ҳақида сўрадим. У эса бунга ўзига хос жавоб қайтарди.

— Нонни нима учун ейсиз?
— Зарур бўлгани учун.
— Дори-дармон ҳам, муолага ҳам бемор учун зарур. Айниқса, сурункали юрак хасталикларига улардан ҳар кун, ҳатто бир умр фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бу гаплар юрак формуласига ҳам дахлдор эканини ҳис қилдим. Ундан ҳам умрингиз охиригача фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Сотим АВАЗ

Оммавийлик

Саломатлик доимий равишда спорт билан шугулланиш, жисмонан ва руҳан чиқишни талаб этади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Наманган вилоятида уюшқоқлик билан ўтказилган «Алпомиш» ва «Барчиной» худудий мусобақаларидан кўзланган ээгу мақсад ҳам шундан иборат.

Алпомиш Барчинойлар баҳси

Болалар, эркаклар, қизлар ва аёллар ёш тоифасига кўра, спортнинг 10 дан ортиқ тури буйича куч синашиди. Мусобақаларда 200 000 дан ортиқ ишчи-ходим иштирок этди.

— Беллашувлар замонавий спорт мажмуаларида ташкил этилди, — дейди таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Янгикўрғон туман кенгаши раиси Ниғора Абдурахмонова.

— Таълим муассасаларидан 27483 нафардан зиёд ўқувчи ва МТМ тарбияланувчилари, 2350 дан ортиқ ўқитувчи, мурабий ва ҳодимлар мусобақалашди.

Тадбир байрамона руҳда ташкил этилиб, махсус кўнгулочлар дастурлар уюштирилди. Ғолибларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Дилдора РАҲМОҶОВА,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Ёшлар билан учрашув

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши тизимда кўп йиллар фидокорона меҳнат қилган фахрийлар ва тармоқ касба уюшмаларига янги ишга келган ёшлар учрашуви ташкил этди.

Унда меҳнат муҳофазаси ва муносиб шарт-шароит яратиш буйича тўплаган тажрибалар ва амалга оширилажак ишлар ҳақида фикр алмашилди.

Мурабийлар ва меҳнат фахрийларига совғалар топширилди.

Б.САИДОВ,
Тармоқ касба уюшмаси
Бухоро шаҳар кенгаши
раиси

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҶОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯҶОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ЛОТ-4
ЛОТ-4.2 «Фарғона вилояти Ёзёвон тумани Қатортол қишлоғидаги 270 ўқувчи ўринли 20-сонли мактабни мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи — 281 627 700 сўм ҚҚС билан; 234 689 750 сўм ҚҚС сиз.

Муддати — 01.08.2014 йил.

Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси
Манзил: Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй, тел: (373) 400-52-80.

Қурилиш ишлари: Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини таъминлаш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Кичик бизнес субъектлари учун квота 100 %.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қўйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш буйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% микдоридан айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл

қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатлари мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қўйидаги манзил буйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373) 244-55-32, 98-276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш кун ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уйда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАЪБИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҶОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯҶОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:
«Фарғона вилояти Бешариқ тумани Яққат қишлоғидаги № 19-сон мактабни мукамал реконструкция қилиш ишлари» (630 ўқувчи ўринли ўқув биноси ва 12x24м ўлчамли спортзал қурилиши)

Муддати — 1.08.2014 йил.

Бошланғич нархи 1 734 542 400 сўм ҚҚС билан; 1 445 452 000 сўм ҚҚС сиз.

Манзил: Фарғона шаҳар Темирийўлчилар кўчаси 37, тел: (373) 400-52-80 (факс).

Қурилиш ишлари: Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини таъминлаш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштирилган 500 млн.сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳолаганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қўйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш буйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% микдоридан айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома ту-

зишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатлари мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қўйидаги манзил буйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш кун ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси 37-уй манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

«GISSARNEFTGAZ» МЧЖ КЎШМА КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА КЎМИТАСИ

**Барча ҳамюртларимизни
Янги — 2014 йил билан қизгин
муборакбод этади!**

**Жаннатмонанд юртимиз
хамиша-ҳамрўз равнақ топаверсин.
Меҳнатсевар, бағрикенг,
фидойи халқимизнинг бахт-иқболи
бус-бутун бўлсин!**

Қашқадарё вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

*Бутун ўзбек халқини
Янги йил билан қўтмайди,
2014 йилда барга
ишларингиз
бароридан келсин,
Мустиқил давлатимиз
тараққийи
бардавон бўлсин!
Сотмон бола йили
баратингизга муборак
бўлсин, азиз юрtdошлар!*



O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari

Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:

Muhammad Ali Ahmedov,
Baxtiyor Mahmudaliyev,
Oksana Belausova, Sog'Indiq
Niyetullayev, Eson Rajabov,
Jahongir Sharofboyev
(Mas'ul kotib).

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Ma'lumot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan.

ISSN 2010-5007



Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:

Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo + 998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:

133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:

B. Rizayev

S. Abdurahmonov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Bosilishga topshirish vaqti - 19.00
Topshirildi - 19.00

E-mail: Ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdullajlov

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi va chop etildi. Korxonada manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.